

**МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ
ОМИЛЛАР***Икромов Элёр Бахрамович**Банк молия академияси тингловчиси**+99897 731-33-00*

Аннотация. Мазкур мақолада молиявий барқарорликни таъминлашнинг илмий муаммолари ва назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Мамлакатимизнинг молиявий барқарорлик коэффицентини таҳлил қилиш асосида, молиявий барқарорликни оширишга доир илмий тавсиялар шакллантирилган. Бундан ташқари халқаро амалиётда молиявий барқарорликни баҳолашнинг замонавий моделларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга доир хулосалар баён этилган.

Таянч иборалар: молиявий барқарорлик, тўловга қобиллик, мультипликатив коэффицентлар, рискни баҳолаш, молиявий барқарорлик мониторинги, статистик моделлар, инновация.

«Молиявий барқарорлик» кенг ва кўп қиррали тушунча ҳисобланганлиги боис замонавий иқтисодий адабиётларда унинг иқтисодий моҳияти, тавсифловчи баҳолаш кўрсаткичларини тизимга солиш ва талқин қилиш турлича бўлиб, етарли даражада тўлиқ очиб берилмаган. Мамлакат миқёсида ёки кичик тадбиркорлик субъектида молиявий барқарорликни баҳолаш усулларининг чегаралари ва уларнинг бутун тизимидан энг самарали фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, атамашунослик, кўрсаткичлар алгоритми ва уларни талқин этиш, мулкчилик ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мезонларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Корхонанинг ўз маблағлари ўзини-ўзи молиялаш талаблари зарурати билан изоҳланади ҳамда у корхона мустақиллигининг асоси ҳисобланади. Бироқ инобатга олиш керакки, корхона фаолиятини молиялаш ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш ҳар доим ҳам фойдали ҳисобланмайди ва бу асосан мавсумий характерга эга ишлаб чиқаришда ўз аксини топади. Бунда айрим вақтда банк ҳисоб рақамларида катта ҳажмда маблағлар йиғилиб қолади ва аксинча бошқа вақтда маблағларни топиб бўлмади.

Бундан ташқари эътибор қаратиш керакки, агар молиявий ресурслар нархи юқори бўлмаса, корхона кредит ресурслари учун тўлашга нисбатан киритилган маблағдан юқори натижа эришишни таъминлаши ва қарз маблағларини жалб этиш эса ўз маблағлар рентабеллиги ошишига олиб келиши мумкин. Айни дамда, корхона маблағлари асосан қисқа муддатли мажбуриятлар ҳисобига шаклланган

бўлса, унда корхона молиявий ҳолати беқарор бўлади. Яъни қисқа муддатли сармоялардан фойдаланишда узоқ муддатли айланмага жалб этмаслик ва уни ўз вақтида қайтаришни назорат қилишга йўналтирилган доимий тезкор ишлашни талаб этади.

Илмий адабиётларни ўрганиш асосида олиб борган тадқиқотлар натижасида корхона ва ташкилотлар мисолида молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизимини шакллантирамиз. Ушбу тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- корхоналарнинг фонд сифими юқорилиги;
- катта ҳажмдаги инвестицияларнинг талаб этилиши;
- нархларнинг монопол характерга эга эканлиги;
- транспорт харажатлари юқорилиги;
- асосий бозор ички талабнинг қондирилишига қаратилганлиги;
- ишлаб чиқариш мажмуининг хомашё базаси ҳудудида жойлашганлиги;
- технологик жараёнларнинг мураккаблиги;
- иш кучига талабнинг юқорилиги ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда,

фикримизча, молиявий барқарорликни мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (молиявий коэффицентлар)га ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Пул-кредит сиёсати марказий банклар томонидан иқтисодий барқарорликка эришиш учун фойдаланиладиган муҳим воситадир. Бу сиёсат иқтисодиётдаги пул ва кредит таклифига таъсир кўрсатишга мўлжалланган, бу эса, ўз навбатида, фоиз ставкалари, инфляция ва иқтисодий ўсишга таъсир қилади.

Мамлакат «соғлом» иқтисодиётининг энг самарали кўрсаткичи унинг молиявий ҳолатидир. Зеро, молия тизими нафақат иқтисодиётда зарур ўзаро боғланишларни таъминлайди, балки макроиқтисодий тартибга солишнинг энг самарали дастакларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлатнинг ижро этувчи ҳокимиятининг фаолияти жаҳон молия бозорлари беқарорлиги шароитида ҳам молия-кредит тизими ва умуман молиявий аҳволнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Пул-кредит сиёсати бевосита ва билвосита воситалар орқали амалга оширилади:

1. Бевосита воситалар — молиявий институтлардаги молиявий активлар нархлари (фоиз ставкалари)ни ёки улар ҳажмини тўғридан тўғри бошқариш орқали олиб борилади. Марказий банк томонидан тижорат банкларидаги мавжуд депозит кўринишидаги пулларни ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар нархлари ва ҳажмини ҳам назоратда тутати.

2. Билвосита воситалар — Марказий банк томонидан молиявий институтлар ресурсларита бозор механизмлари (мажбурий захира талаблари, очик бозордаги

операциялар, тижорат банкларини қайта молиялаш ва Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси, тижорат банкларидан депозитларни қабул қилиш ва бошқалар) орқали иқтисодиётдаги пул массасига таъсир этади.

Молиявий тизим, қачонки банклар, бошқа кредит ташкилотлари ва молия бозорлари уй хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига бир маромда ишлаётган тизимнинг кескин сустрлашишига йўл қўймас, иқтисодиётдаги иштироки ва унинг ўсиши учун зарур молиявий инвестициялар тақдим эта олсагина барқарор ҳисобланади. Акс ҳолда нобарқарор тизимда иқтисодий шоклар реал иқтисодиётга ноҳуш таъсир кўрсатиши, кредитлашни издан чиқариши ва кутилганидан зиёд хатарга олиб келиши, бандликнинг қисқариши ва иқтисодий фаолликни сусайтириши мумкин.

Молиявий нобарқарорлик шароитида молия тизими иқтисодиёт учун зарур молиявий хизматларни тақдим эта олмайди. Масалан, йирик молия ташкилотидаги қийинчиликлар молиявий нобарқарорликни юзага келтириши мумкин. Бундан ташқари, битта муассасадаги муаммолар банклараро операциялар туфайли тизимнинг бир-бирига ўзаро қаттиқ боғланган бошқа ташкилотларига ҳам тарқалиши мумкин. Муассасаларнинг умумий фаолияти бутун молия тизими учун хавфни, яъни тизимли хавфни юзага келтириши, ишончли бўлиб туюлган алоҳида ташкилотни ҳам молиявий нобарқарорликка олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда кун тартибида давлат молиясининг барқарор ривожланиши масалалари кўпроқ кўтарилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, постиндустриал жамият, глобаллашув ва жаҳон бозорининг ривожланиши даврида миллий иқтисодиёт мураккаб динамик тизимни ташкил этувчи жуда кўп сонли омиллар таъсирида қолмоқда. Ўз ўрнида, давлат молиясини барқарорлигини таъминлашда пул-кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу сиёсат, мамлакатнинг молиявий тизимини ривожлантириш, молиявий истеъмолни бошқариш, янги иш ўринлари яратиш ва бошқа кўплаб мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни таъминлашда ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки бугунги кунда иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган бир вақтида 2017 йилда бошланган иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмлари родини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи ўрта муддатли истиқболда банк тизими ва пул-кредит сиёсатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ушбу йўналишдаги муҳим қарорлардан бири миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорини босқичма-босқич либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.В.Ваҳобов., Т.С.Маликов.Молия. «НОШИР».Тошкент-2012. 636-
2. Маехл Н., Монетар сиёсатни қўллаш:Ривожланаётган монетарй режимларга эга мамлакатлардаги операцион масалалар(ХВФ).
3. Ефимова О.В. Финансовый анализ. –М.: Бухгалтерский учет, 2006. –324с
4. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Фқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. – Б. 254-257.

